220993

Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

معرفت

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1993 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА | № 59 (6570). Баҳоси сотувда эркин нархда.

УЗЛУКСИЗ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ» НУТҚИДАН

Иқтисодий ислоҳотларимизнинг бутун дастурида айтиб ўтилган энг асосий устивор вазифалар билан бир қаторда бир қанча узлуксиз устивор йўналишларни ҳам аниқ-равшан ажратиб кўрсатиш керак.

Узлуксиз устивор йўналишлар нима? Бунинг маъноси шуки, мазкур йўналишлар ислоҳотларимиз ҳамма босқичларида устивор ҳисобланади. Улар жамиятни янгилашдан иборат бутун жараённинг бошқа йўналишларига сингиб кетади.

Ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишда биз учун қуйидагилар узлуксиз устивор йўналишлар ҳисобланади:

— таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш;

— ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш;

— ва шубҳасиз, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Чуқур ислоҳотларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда кадрлар потенциалига, уларнинг касб жиҳатдан тайёрлигига боғлиқ бўлади.

Бу эса бутун таълим ва маданият тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади. Чунки айни билимдонлик ва юқори маданийлик озодликдан ҳамманинг бахт-саодати йўлида фойдаланиш имконини беради.

Аввалги йилларда таълим тизимимиз жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди.

Бу аҳвол тубдан ўзгартирилиши лозим. Аслини олганда халқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб оладиган янги авлодни камол топтириш керак бўлади.

Мана шу асосдаги миллатнинг онгли ватанпарвар бирлиги руҳини вужудга келтириш мумкин. Бу эса айрим мамлакатларнинг тараққиёт сари шиддат билан юришига имкон берган.

Бизнинг диёримиз буюк алломаларни етиштирган. Бутун жаҳон илм аҳли улар билан фахрланади. Улар асос солган миллий илмий тафаккурнинг анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун бизда ҳамма шарт-шароитлар бор.

Давлат бундан буён ҳам энг асосий устивор тадқиқотларни қўллаб-қувватлаши шарт. Чунки республиканинг келажаги ана шу тадқиқотларга боғлиқдир. Лекин илмий ташкилотларнинг ўзлари ҳам ўз моддий базасини ривожланиш йўлларини янада фаолроқ излашлари, хорижий мамлакат илмий марказлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш керак. Амалиёт эҳтиёжларига яқинроқ бўлишларига самарали натижалар берадиган ихчам, изланувчан ижодий жамоаларни ташкил қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Ақлий ва маданий салоҳиятни ривожлантириш яна бир узлуксиз принцип ҳисобланади. Халқимиз ўзини ҳақиқатан ҳам озод, эркин деб билиб, муҳтожлик ва қарамлик исканжаларидан халос бўлган, қаддини ростлаган, эркин нафас олганда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Аждодларимизнинг руҳи-поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислоҳотлар муваффақиятга эришади. Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Демак, бизнинг вазифамиз, авваламбор, мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва бобокалонларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир. Маънавиятимизни яратаётганларни: ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бунинг учун харажатларимизни аямаслигимиз даркор.

●

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъат айниқса мушкул аҳволга тушиб қолади. Биз учун маънавий, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш асосий устивор вазифа экан, ҳозирги мураккаб даврда мазкур тармоқларни қўллаб-қувватлаш, уларда ишловчи одамларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш зарур.

●

Таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда барча поғоналардаги ўқув юртларини тубдан қайта қуриш бошланди. Агарда яқин вақтларгача кадрлар асосан Тошкент ва Самарқандда тайёрланган бўлса, эндиликда ҳар бир вилоятда фан ва таълим марказларини ташкил қилиш йўли амалга оширилаяпти.

Энг аввало бундай ўқув юртлари асосий ядро сифатида зарур. Илмий тафаккур, мутахассислар тайёрлаш ишлари ана шу ядро атрофида ривожланади. Кейинчалик улар етакчи илмий мактаблар билан беллаша оладиган, ҳақиқий марказлар бўлиб қолиши лозим.

Шу мақсадда бир қанча университетлар, тижорат, политехника коллежлари ва бошқа ўқув юртлари очилди. Мутлақо янги йўналишлар — жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси, халқаро журналистика ва иқтисодиёт, бозор муносабатлари ва бошқа соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш ташкил қилинди.

Бозор шароитидаги ишлар кадрларнинг касб маҳоратларига нисбатан қаттиқ талаблар қўяди. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига, коллежларга талабалар тест синовлари асосида қабул қилинаяпти. Истеъдодли ёшларни танлов асосида, саралаб чет мамлакатларга ўқиш ва малака ошириш учун юборилаяпти.

Ҳозирги вақтда чет элларда 2,3 мингдан кўпроқ ёшлар таълим олаяпти. Дунёдаги етакчи илмий марказлардан ўқитувчилар жалб этила бошланди.

Шундай қилиб, биз комил ишонч билан айта оламизки, мустақиллик йиллари мобайнида биз янги жамият асосларини қўйишга, ўзгаришлар муқаррарлигининг негизини таъминлашга муваффақ бўлдик.

• МУҲАРРИР МИНБАРИ •

Сени куйлайман, ҳаёт!

13 — 15 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ГУЛИСТОН ШАҲРИДА ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА II АДАБИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ҳар фасл табиатдаги маълум жиҳатларни ранглантириб кўрсатади: қиш қуюқ туманию ғоз тўшидек оппоқ қорлари билан зийнатли, баҳор чапарас гуллаган минг хил гиёҳларию биллур найсонлари билан латофатли, ёз сеҳрли ой нурида кундуздек чароғон кечаларию шохлардаги ларзон-ларзон мевалари билан жозиб, куз олтиндек сарғайган боғу роғларию турнақатор ҳосил карвонлари билан сарафроз. Қишдан ёз оташини кутмоқ, кузда баҳор латофатидан умидвор бўлмоқ ножоиз. Худди шундай, ҳар бир давр инсондаги муайян хислатларни рўёбга чиқаради. Бугун элда мустақиллик одамларига хос фидойилик ва ватанпарварлик, ғанитлик ва жўмардлик, меҳр-оқибат ва меҳнатсеварлик сингари фазилатлар элда ардоқли. Жумладан, ижодкорлик ҳам.

Ижодкорлик одамни ичичидан янгилайди. Сийратида поклик, сувратида тароват зоҳир қилади. Ижодкор ўқитувчиларнинг Республика II адабий анжумани арафасида кўнгилдан ана шундай сарвар туйғулар кечади. Ижодкор ўқитувчилар анжумани мустақиллик йилларида содир бўлган воқеа. «Ижодкор ўқитувчи» — даврнинг ўзи яратган ибора. Зотан, ижоднинг ўзи бир мактаб, ижоднинг ўзи тарбия. Лекин ўқитувчининг ижодкор бўлиши бу бир фазилат, муаллим салоҳиятидан, қувваи ҳофиза кўламидан, таъби нозикликдан далолат. Ижодкорлик ва муаллимлик бамисоли қўш қанот, фазилатлар соҳибини ердан юксакка кўтаради. Бу — ҳаёт сабоғи, тарих хулосаси.

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, жаҳон адабиётининг мислсиз сиймоларидан бири Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида илм ва санъат аҳлига меҳр-мурувват кўрсатди, оталик қилди. Ўз ёнидан мадрасалар ва кутубхоналар қурдирди, мударрис ва толибларга нафақалар тайин этди. Билимдон, одамохун, иқтидорли мударрислар-муаллимлар, устозлар — илм-фан аҳлини эъзоз этиб, қуйма сатрлар битди:

Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўқитмиш
ранж ила,
Айламак бўлмас адо
онинг ҳақин
юз ганж ила.

Бир сўз билан айтганда, Ҳазрат Навоий илм-фан ва маданият ҳомийси, донишманд мураббий эди.

Тарихимиздаги ёрқин сиймолар ижоди ва ҳаёти ижодкорлик ва муаллимлик инсон шахсини юксалтиришда, ёш авлод камолотида ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Буюк маърифатчи, миллий истиқлол фидойиларидан Фитрат Бухорода Халқ маорифи нозири бўлиб ишлаган, жадидлар ҳаракатининг раҳбари Маҳмудхўжа Беҳбудий янги усулдаги мактаблар учун «Китоб ул-атфол» («Болалар учун китоб») каби дарслик ва қўлланмалар ёзган, ўз ҳовлисида мактаб очган. Ўтмишимизда мураккаб қисматга эга бўлган оташин шоир Ҳамза ўқитувчилик қилган, дарслик ва қўлланмалар ёзган. Миллат фидойиси Чўлпон маориф соҳасида хизмат қилган. Ҳали-ҳануз қўлма-қўл бўлиб юрган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» каби педагогикадан ахлоқий-таълимий дарслик яратган шоир ва драматург Абдулла Авлоний янги усулда мактаб очиб, дарс берган. Ҳассос шоир Ғафур Ғулом ўқитувчилик қилган, «Умид», «Урфон» номли мактабларда мудир бўлиб ишлаган. Ойбек, Шайхзода каби маънавиятимиз чароғбонлари домлалик қилишган. Адабиётимизнинг бугун ижод этаётган Яшин, Қ. Муҳаммадий, И. Раҳим, Шукрулло, Мирмуҳсин, П. Мўмин, Х. Тўхтабоев, Т. Содиқова, Х. Бобомуродова, М. Эгамбердиева каби вакиллари ҳам меҳнат фаолиятларини мактабдан бошлашган. Кўплаб нозим ва носирларимиз ўз ижодларини тарбияга қўшиб олиб бормоқдалар.

Бу нимадан далолат беради? Оддий муаллим — математик, физик, химик, адабиётчи — ўқувчини дарслик ва китоблардан илм ўрганувчи, ўқитувчини ўқув фанлари асосида сабоқ берувчи шахс деб билса, ижодкор муаллим ўқувчини ватаннинг эртанги кунига посбон инсон, ўқитувчини эса миллат истиқболи учун масъул мураббий деб билади. Зеро, ижодкорлик қалби уйғоқ одамларнинг иши. Қалби уйғоқ одам ўз соҳаси бўйича бой тарихий-маданий меросни яхши билган, жаҳон дурдоналаридан хабардор одамдир. Демак, ижодкорлик фақат бадиий ижод билан шуғулланиш дебгина қаралмаслиги, билимдонлик, теран мушоҳада, комиллик сари чуқур иштиёқ ифодаси сифатида ҳам тушунилиши мантиқан асослидир.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Республика ижодкор ўқитувчиларнинг адабий анжуманини ташкил этиш ва ўтказишдан мақсади ҳам, биринчидан, бадиий ижод билан шуғулланаётган ўқитувчилар иқтидорини юзага чиқариш бўлса, иккинчидан, маориф фидойиларини мустақил Ўзбекистон таълим-тарбиясини янада такомиллаштиришда фаоллик кўрсатишга даъват этиш, ўзаро фикр алмашиш, бадиий сўз қудратидан миллий таълим ва ўқитувчи маданиятини тарғиб қилишда унумли фойдаланишга эришувдир.

Мавриди келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ижодкор ўқитувчилар анжумани фақат бадиий ижод соҳиблари йиғини доирасида қолиб кетмаслиги жоиз. Ижодкорлик — барча фан соҳаларига хос фазилат. Бинобарин, келгусида ижодкор ўқитувчилар анжуманини турли фан соҳалари вакиллари иштирокида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса, ижодий янгиликлар жумҳурият миқёсида тез қадр топади, ўқитувчиларнинг илғор қисми ўртасида яқин ҳамкорлик юзага келади. Бадиий ижод соҳиблари эса ўз қаҳрамонлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ижодкор ўқитувчиларнинг Республика II адабий анжуманида таълим-тарбияни яхшилашга боғлиқ ана шундай кўплаб муаммолар муҳокама қилиниши шубҳасиздир. Шундай экан, анжуман қатнашчиларига қизғин ижодий баҳс ва мунозараларда фаоллик, омад, ижодкорларига эса барака тилаймиз!

(Газетамизнинг 2—3 саҳифалари анжуманга бағишланади).

ТЎЙ ТЎЙДЕК ЎТДИ



Мустақил Ўзбекистон Республикасининг икки йиллик тўйи диёримизнинг барча вилоятлари, шаҳару қишлоқларида шоду хуррамлик билан нишонланаётган файзнёб кунларда пойтахтимизнинг Чорсу даҳаси маҳалла аҳли қувончига яна қувонч қўшилди: шу ҳудудда истиқомат қилувчи кичкинтойлар учун 140 ўринли янги боғча биноси фойдаланишга топширилди. Шу куни эрта тонгдан карнай-сурнай, ноғора садолари кичкинтойларни ўз бағрига олишга шай турган тарбия даргоҳига чорлади. Истиқлол байрами арафасидаги ушбу ҳадя давлатимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек асосий мақсадларидан бири эканини намойиш этди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири муовини М. Султонов халқнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида сўзлаб, янги боғча ҳам жумҳуриятимизда ишлаб турган ўн мингдан ошиқ мактабгача тарбия муассасалари қаторида фаоллик кўрсатиб, жамиятимиз учун комил инсонлар етиштиришга ўз улушини қўшажагига умид билдирди.

Чорсу даҳаси маҳалла қўмитаси раиси Аҳмад Хўжахонов байрам совғаси учун ҳукуматимизга, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда шу савоб ишга ҳисса қўшган барча мутасадди ташкилотларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Мўъжазгина боғча биноси бунёдкорлари вакили, 12-қурилиш трестининг 49-қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Карим Йўлдошев 226-боғча мудираси Феруза Қодировага тантанали суратда рамзий калитни топширди. Шодиёна қатнашчилари замонавий бинони, кичкинтойлар мазза қилиб ўйнаб, таълим оладиган ўйнингоҳ, кундузи ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳ, овқатланиш хоналарини кўздан кечириб, мамнун бўлдилар.

Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВА.

СУРАТДА: янги боғча тантанасидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ АВГУСТ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ БАРЧА МАОРИФЧИЛАРГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ҳамкасблар!

Мустақиллигимизнинг ўтган икки йилида мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди: оқилона ички ва ташқи сиёсат, миллий тотувлик шарофати туфайли жамиятимизда осойишталик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда, иқтисодиётимиз мустаҳкамланмоқда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида янгиланиш ва истиқбол давлат дастури изчил амалга оширилмоқда.

Таълим тизими ижтимоий ҳаётимизнинг чин маънода устивор тармоғи сифатида фаолият кўрсатаётир. Таълим устиворлиги Конституциямизда, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда, Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ таълимини ривожлантириш, ўқитувчилар ва ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармонларида равшан акс этган. Буларнинг барчаси гимназия, лицей, коллеж каби янги типдаги ўқув муассасаларини ривожлантириш учун мақбул ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш учун замин яратмоқда.

Муҳтарам педагоглар!

Жонажон диёримиз Ўзбекистон истиқболи кўп жиҳатдан таълим аҳволи, ўқитувчиларнинг касб-корлик маҳоратларига боғлиқ. Ўз касбининг фидойиси бўлган муаллимгина ёшларда ватанпарварлик, она заминга, халққа ва унинг маданиятига, қадим ва боқий анъаналарига муҳаббат туйғуларини тарбиялай олади. Ўз устида қунт билан ишлаш, билимини узлуксиз ошира бориш, таълимга оид жаҳон янги технологиясини пухта ўзлаштириш, илғор иш тажрибаларини авайлаб-асраш чинакам педагогнинг маънавий қиёфасини белгиловчи фазилатлардир.

Ўқувчи қобилиятини мунтазам ривожлантириб бориш ғояси, таълим турларини танлашда демократик ҳуқуқ эркинлиги, таълимни шахс камолоти ва жамият тараққиётини белгиловчи омил даражасига кўтариш таълимнинг бош мафкурасидир.

Бинобарин, барча ҳамкасбларимизни илм-фаннинг ижтимоий тараққиётимизда, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда тутган ўрнини ўқувчилар онгига етказиб беришга даъват этамиз. Ҳар бир машғулот бой ва мазмундор, жозибали ва таъсирчан бўлишига эришайлик. Шунга интилишимиз керакки, таянч мактаблар ёшларни таълим ва ҳунар-техника касбларига тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилсин. Мактаб ва боғча ҳамкорлиги ноанъанавий усулларини рағбатлантириш, болаларга таълим ва тарбия беришда ворислик ришталарини мустаҳкамлаш шу кунинг муҳим вазифаларидандир.

Ёш авлод тарбияси — бутун жамоатчилик иши. Маҳалла ва ота-оналарнинг бой тажрибаси, обрў-эътиборига таянган ҳолда ёшлар тарбиясини ўзаро ҳамкорлик, ишонч ва ҳурмат, миллий анъаналар ҳамда халқ педагогикаси тажрибалари асосида ташкил этайлик, ёшларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайлик ва ривожлантирайлик. Шунга эришишимиз лозимки, ҳар бир инсон, оила, жамият фақат меҳнат орқали бой ва бадавлат, мукаррам бўлиши мумкинлигини ёшларимиз юрак-юракдан ҳис этсинлар. Шуни ҳам унутмаслик керакки, иқтисодий билим ва тадбиркорлик ривожланган давлат фуқаросининг маънавий қиёфасини белгилайди. Иқтисодий билимга эга болаларгина халқ бойлигини эҳтиёт қилади, ўз меҳнати билан синфи, мактаби, жамиятга фойда келтиради.

Биз пойтахт халқ таълими ходимлари август кенгаши қатнашчилари ишонч билан айта оламизки, Республика педагогик жамоалари «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга тўлиқ жорий этиш, таълим ва тарбияга оид илғор усулларни кенг оммалаштириш учун зарур бўлган ижодий имкониятларга эгадирлар.

Қадрли ҳамкасблар!

Келинглар, чуқур билимимиз, бой тажрибамиз, қалб қўримизни озод, маънавий баркамол, юксак билимли фуқаролар тарбиялашдек эзгу ва шарафли ишга бахшида этайлик! Озод диёримизнинг эртанги куни бизларга боғлиқ. Келажак бунёдкорлари эканлигимизни доимо ёдда тутайлик!

(Мурожаат Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларининг Сирғали туманидаги 305-экология лицейида 26 августда бўлиб ўтган кенгашда қабул қилинди).

БУ ҚЎНҒИРОҚЛАР ҲАЛИ

Таниншинг: ижодкор ўқитувчилар

О. СУЮНДИҚОВА.



А. ЗИЁМАТОВ.



Саодат ТОЖИ.

С. САЛОҲИТДИНОВ.

УЙГИНАМНИНГ ЧИРОЙИ

Уйгинамнинг чиройи,
Ҳусни осмоннинг ойи,
Олийжаноб, фидойи,
Бағри жаннат қайнонам.

Файзли юрар ғовланиб,
Даргоҳимда солланиб,
Укинмайман зорланиб,
Сирдош, улфат қайнонам.

Бўйига бўйим бўйлаб,
Яхши хислатдан сўйлаб,
Камолотимни ўйлаб,
Топар иззат қайнонам.

Суҳбатлари кўп ширин,
Яширмас, айтар сирин,
Мадҳ этай қай хислатин,
Олий ҳиммат қайнонам.

Бахт боғимнинг даҳоси,
Гавҳару бебаҳоси.
Рўзғорим раҳнамоси,
Сизга раҳмат, қайнонам.

Садринисо ФАЙЗИЕВА,
Сирдарё вилояти Ховос тумани халқ таълими бўлими услубшуноси.

●

ЮЛДУЗЛАР

Номсиз юлдузлар сонсиз,
Балким сен-да бирисан...
Умр бўлмагай тенгсиз,
Юрак, кимнинг сирисан?

Номсиз юлдузлар сонсиз,
Туғилиш — йўлнинг боши.
Улимдан сўнгги сўнгсиз
Ҳаёт — ненинг бардоши?..

Номсиз юлдузлар сонсиз,
Ёмғир — тинмай йиғла қиз.
Томчиларига унсиз
Дардларимни тизган — куз.

Номсиз юлдузлар сонсиз,
Қишнинг оғир нафаси.
Булутлар илкис-илкис
Силкинар — баҳор саси.

Номсиз юлдузлар сонсиз,
Ҳаваслари шамолнинг —
Кўзларга кўринмас ҳис,
Севгиси бўл хаёлнинг...

●

МЕН ТУҒИЛГАН УЙ

Онам севинчларин руҳига сингган,
Отам меҳри ила боғ каби унган,
Йиғим ва кулгумни севиб қолган — у
Гўдакликдан ҳидим туйиб олган — у,
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Эритиб юборар қайғуларимни,
Юлдузли сирдоши орзуларимнинг,
Кўрган юрагимнинг ёғдуларини,
Сатрга чизилган туйғуларимни,
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Нақадар кенг, шаффоф гўдак олами,
Андуҳсиз эртакдир босган қадами,
Кўздаги ёшингни артаркан такрор,
Дардингни ўзига ортар беозор,
Дилбардир туғилган уйим севгиси.

Баҳор ёмғирида биллур ва хушбўй
Энг нозик товушли дутордаги куй,
Қанотли шамоллар нафаси билан,
Болаликнинг мангу ҳаваси билан,
Дилбардир туғилган уйим севгиси!

Ойгул СУЮНДИҚОВА,
Самарқанд вилояти Усмон Юсупов номли 9-мактаб.

●

ИЧИНДА

АҲМАД ЯССАВИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Қоқалар очиқ турсин, саҳар вақти ичинда,
Кўнгулга нур ёғилсин, саҳар вақти ичинда,
Еру кўк суҳбат қурсин саҳар вақти ичинда,
Бедор бўлғил, эй мўмин, саҳар вақти ичинда,
Қутқар ўзунгни ўтдин саҳар вақти ичинда.

Саҳар ечилур қўллар, саҳар очилур йўллар,
Саҳар орзу кўкида қанот ёзур дулдуллар,
Саҳар чоғи дилларда очилур тоза гуллар,
Саҳарларда ул гуллар, сано айтур булбуллар,
Ким айтурким, биру бор саҳар вақти ичинда.

Саҳар вақтида кўкдин ғафлат келур бединға,
Саҳар вақтида кўкдин раҳмат келур мўъминға,
Саҳар вақтида кўкдин самак келур бединға,
Саҳар вақтида кўкдин малак келур мўъминға,
Бедор қулға санжорлар саҳар вақти ичинда.

Саҳар вақти зулматга ўлим тўнин бичарлар,
Саҳар вақтида ҳурлар иймон нурин сочарлар,
Саҳар вақти шайтонлар нурдин йироқ қочарлар,
Саҳар вақтида кўкдин жаннат қапуғ очарлар,
Бедор қулға санжорлар саҳар вақти ичинда.

Саҳар вақти юлдузлар жонни фидо қилурлар,
Дийдор талаб ошиқлар Ҳаққа нидо қилурлар,
Жилва қилиб парийлар ошиқ кўксин тилурлар,
Саҳарнинг лаззатини ошиқ қуллар билурлар,
Ҳақни ҳозир кўрарлар саҳар вақти ичинда.

Мўмин мусулмонларға саҳар турмоқдур одат,
Саҳар турмаганларға насиб этмас саодат,
Саҳар вақтида, Мирзо, Қуръонни қил тиловат,
Саҳар вақти хуш соат, ҳам жаннат эрур роҳат,
Тангрингa қил ибодат, саҳар вақти ичинда.

Мирза ҚАЙНАРОВ,
Сирдарё вилояти. Ш. Рашидов тумани.

МУРУВВАТ

Мен Чиноз шаҳрига сиғмай қолган куз,
Охирги ишонч ҳам ташлаб кетган он.
Буткул унутганда мени ёру дўст,
Биргина дарахтлар бўлди соябон.

Мен Чиноз шаҳрига сиғмай қолган куз,
Қалбимга тиканин санчганда гуллар.
Ойлар нур ўрнига келтирганда муз,
Бағрин очди менга биргина йўллар.

Мен Чиноз шаҳрига сиғмай қолган куз,
Бирдан қулаганда бошимга хилқат,
Бегона бўлганда сокин дала туз,
Дардларим тинглади шу бир шеърият.

Мен Чиноз шаҳрига сиғмай қолган куз,
Жом тўла заҳрини тутганда ҳаёт.
Сиз менга мурувват қилдингиз ёлғиз,
Фақат сиз яхшилик қилдингиз, Устод!

Анора ПАРДАБОЕВА,
Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 4-мактаб.

●

ҚИСМАТ

Қўқонжондан қайрағочлар қайрилади,
Соғинчлардан жоним тандан айрилади.
Энди жоним қалдирғочга айланади,
Эҳ, худойим, онагинам омонмикан?..

Қўштепада қўша-қўша тўйлар ўтар,
Сингилларим опасини илҳақ кутар.
Бир йигит бор, севмасам ҳам севиб ўтар...
Севги бизга эрмак, унга армонмикан?

Қўқоншамол... Қўқоншамол нотинч эсар,
Изтироблар қуюн бўлиб ўйим кезар.
Ҳовлимизда мен экмаган гуллар ўсар,
Мени кўриб чечаклар ҳам ҳайронмикан?

Кўнгилгинам мусофирдай кетаверар,
Ою куним этагидан тутаверар,
Онагинам... ўлгунимча кутаверар,
Кўнглимни деб умрим абад хазонмикан?..

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,
Фарғона давлат дорилфунуни.

●

ЭЪТИҚОД

Кўплар бизни унча тушунмас,
Ҳолбуки, биз оддий кишимиз.
Сохта илтифотлар учунмас,
Инсонга эътиқод ишимиз.

Салом берсанг, эгилсанг баъзан,
Хушомадгўй дея куларлар.
Бахилликда қочирар мазанг,
Ғийбатларга ўрин берарлар.

«Яхшига ҳеч кун йўқ», — деганлар.
Бу нақлнинг умри битди, бас.
Чунки бугун одам одамга,
Дўсту иноқ, асло мутемас.

Солижон САЛОҲИТДИНОВ,
Наманган вилояти Норин тумани
С. Раҳимов номидаги 25-мактаб.

АЁЛ ҚАЛБИ

Тўлин ой, сенга садоқат сақлаб, сени бутун умр ёд этиб яшамоқ истагандим. Наҳот сен ҳам бевафосан, Ой? Ягонам дегандим, бу ғариб кўнгилнинг ҳамдами дегандим. Инсонлар ёлғиз қолса табиатга шайдолик этар, сенга, Ой, узун тунлар сенга роз айтар, сендан завқ олади. Сен бевафолик қилма. Биламан, ягонасан, ёлғизлар кўп, дард айтувчи кўп сенга. Сен уларнинг ҳар бирига меҳр улашгин, майли. Фақат, фақат эҳтиёт бўл, бунн улар сезмасин. Ёлғиз қалб ёлғиз ҳамдарди билади сени. Одамлар табиати қизиқ, улар Сени рашк этади.

Ҳа, сен ягонасан. Шайдоларинг кўп. Бундай қилишга ҳақлари бўлмаса-да, не дейсан энди, худо уларни шундоқ яратган.

Хиёнаткорлигинг ошкор этма, Ой, барчага бирдай ёғду сочувчи Моҳим!

●

Аёл қалбининг онқадар нозиклигини ҳис этганмисиз? Ҳис этганларга қуллуқ!

Ботмон-ботмон ғамларни даст кўтаролган, аламларни, қайғуларни юта олган, ишқингизда оташ бўлиб куя олган, ҳад-ҳисобсиз рашкингизни кўтаролган Аёл қалби эканлигини билганмисиз? Билганларга минг бор қуллуқ! Оҳ жонима, қийналган жон, эзилган жон, оёқ ости бўлган бу жон — аёл қалби. Куйиб-куйиб адо бўлган, фано бўлган Аёл — жоним, шу дамда ҳам: ёрим — жоним, болам — жоним, Ватан — жоним, дея фидо бўлган азиз жоним.

Фидо жонга жон берилган, сизга қуллуқ!

Аёл қалбн наволари майин-майин. Най ноласи янглиғ елар саболари сарин-сарин. Куйларида сел қилгувчи, маст этувчи нолалар бор, афғонлар бор... Шу нолаю афғонларни тинглаганга юз минг қуллуқ!

Аёл қалби сиғдиролмас бу дунёга балоларни. Офатлару, қон талашлар ҳам фироқни. Нигоҳлари жолагирён, Ёраббимга ёлворар у:

Ҳар йигитнинг насибаси
бутун бўлсин,
Ёстиғининг ярмисида
ой тўлиб турсин...

Аёл қалбин илтижосин қўллаганга минг бор раҳмат!

Муҳиба ҲАМИДОВА,
Файзулла Ҳўжаев номидаги Бухоро давлат университети.

Болалик сурури

МЕҲМОНДЎСТЛИК

Салим, Содиқ, Садоқат,
Меҳмон-меҳмон ўйнадик.
«Меҳмон» деган қўшиқни,
Бирга-бирга куйладик.

Ҳурмат қилиб Содиқни,
Юқорига ўтқаздик.
— Бир ёш биздан катта, — деб,
Қаранг, қанча ютқаздик!

Дастурхонда борини,
Содиқ паққос туширди.
— Яна борми, дегандай,
Лунжин бизга шиширди.

Асом ЗИЁМАТОВ,
Тошкент вилояти, Паркент тумани Чанги қишлоғи.

●

ҚУШЛАР, САЙРАНГ

(ҚУШИҚ)

Сайранг боғимда, қушлар,
Яйранг боғимда, қушлар.
Қўшиғингиз кўнглимга,
Завқу ором бағишлар.

Қучоғим кенг очаман,
Сизларга дон сочаман.
Қўшиқ-куйингиз, қушлар,
Кўнгил боғимни хушлар.

Қанот қоқиб осмонда,
Яйранг гулзор-чаманда.
Сизларга хавф-хатар йўқ,
Биз яшаган Ватанда.

Саодат ТОЖИ,
Қамаши шаҳри, Суворов номидаги ўрта мактаб.

●

БУВИЖОНИМ–ЭРТАКЧИ

Бувим айтган эртаклар,
Менга жуда ёқади.
Ой ҳам аста мўралаб,
Деразамдан боқади.

Бувим дер: — Эртагимни
ой ҳам тинглаб қайтади.
Юлдузлар боласи-да,
Сўнг уларга айтади.

ҚЎҒИРЧОҚ

Ҳаётни хўп кузатиб,
Дейман баъзида: эвоҳ!
Тирик қўғирчоқ бўлиб,
Яшашнинг ўзи гуноҳ.

Абдусаттор ҒОФУРОВ,
Фарғона вилояти,
Бешариқ тумани.

ҚАРМОҚДАГИ БАЛИҚ

«Шу лаънати чувалчанг,
Кўринганди кўп совуқ»,
Деб қиларди пушаймон,
Қармоққа тушган балиқ.

БАҚА

Бақа кўрди, сой экан,
Ҳамма ёғи лой экан,
Ўзини кўмиб унга,
Деди: — Мазза жой экан!

Абдумалик МАЛЛАХЎЖАЕВ,
Пискент туманидаги У. Юсупов номидаги 18-мактаб.

«Халқ таълими илғорлари» энг яхши очерк танлови учун

УМИД ЧИРОҚЛАРИ

Ҳаётда, ҳар кимнинг ўзи меҳр қўйган одамлари бўлади. Менинг меҳрим ўзим сингари оддий, фидойи касб эгалари — муаллимларга тушган.

...У, чекка йўлакдан ҳар доим бир даста китоб-дафтарни қўлтиқлаб мактабга боради. Йўл-йўлакай каттаю кичикка салом беради, алик олади. Тўлиб бориб илм гавҳарларини митти «далалар»ига сочиб, яна ҳорғин, кулбасига қайтади.

Ярим тунгача чироғи ёниқ туради. Зийрак кўзи билан мозийдан неларнидир ахтаради, келажакка умид чироқларини ёқиб саҳифадан-саҳифаларга ўтади. Содда, тўпори хаёллар билан ўзига жовдираб турган ташна қалб болакайларга нимадир улашсам, дейди.

Билимдон муҳандис, қўли енгил шифокор, тажрибали агроном, хуллас, соҳанинг ҳамма жабҳасида унинг шогирдлари — келажак мевалари, битмас бойлиги, топган бисоти.

Ана, ўша муаллим яна йўлда хаёлга толиб кетаяпти...

Инсоннинг мияси ҳам асалари уясига ўхшайдими, дейман. Юз битта ўй-фикр айланаверади. Жўялиси тиниб қалб шуурингга муқим ўрнашади. Кунлар ўтиши билан янгилик бўлиб туғилади. Ари не-не заҳмат тортиб йиққан бол кўпчиликка татиганидек, туғилган янгиликдан ҳам эл баҳраманд бўлади. Бу, албатта, ижодкор, изланувчан инсонларгагина хос фазилатдир.

Рашид ака шундайлар сирасидан. У мактаб ҳовлисига уюб ташланган темир-терсак хирмони ёнида узоқ ўйга толиб қолди. Буни кузатиб турган директор:

— Қани, бунча тикилиб қолдингиз, қийшайган томони кўп эканми, — дея гапнинг охирини ҳазилга бурди.

— Ҳа, — деди Рашид ака, — болаларга қойил қолиб турибман, катталар исроф қилиб, ташландиққа чиқарган шунча темир-терсакни йиғиб келишибди-я. Қаранг, нималар йўқ дейсиз. Темир ҳам нондай азиз, уни исроф қилиб ташлайвериш увол!

Унинг гапи жавобсиз қолди. Директор ҳеч нарса эшитмагандай ичкарига кириб кетди.

Рашид ака дилидагини ҳозирча ҳеч кимга ошкор қилгиси келмади. Аслида у шу чиқинди, ўзгалар назарида ташландиқ ҳисобланган темир парчаларидан нималардир ясаш мумкинлигини хаёлидан бирма-бир ўтказиб турарди.

Эртаси куни юқори синф ўқувчиларидан бир гуруҳи ана шу «хирмон»га келишди. Дала каравотлари синиқлари — алюмин трубалар бир томонга, қалин — нафис тунукалар, пўлат-мис симлар, занжирлар, иккинчи томонга, хуллас, металл парчалари тур-турига ажратилди.

Мактаб хўжалик ишлари бўйича мудирнинг ҳой-ҳойига қарамай, улар болалар кучи билан устахона тўрига жойланди. Рашид аканинг хаёлида кўпдан жонланиб юрган шакллар энди биринкетин оқ саҳифаларга туша бошлади. Чиқинди металл парчаларидан ясалиши мумкин бўлган детал ва ҳар хил асбоб-ускуналарнинг чизма картасини тузиб чиқди. Ўқувчилар иш бошлашдан олдин шу карта билан атрофлича танишадилар, ясаладиган детал ва асбобларнинг шакли, ўлчови ва баъзи нозик жиҳатлари ўқитувчи томонидан батафсил тушунтирилади. Иш жараёнида техника хавфсизлигига риоя этиш қаттиқ талаб қилинади, сўнг ишга киришилади.

Биз таъриф қилмоқчи бўлган Рашид ака Мажидов Қарши шаҳридаги Ленин номли мактабда меҳнат таълими ўқитувчиси ва ташкилотчиси бўлиб ишлайди. Кашфиётлари, оҳорли фикрлари билан кенг жамоатчиликка кўпдан таниш. Қирқ йилдирки, болалар билан бирга яратади, ижод қилади. Нимаики бўлса, ёшларга ўргатади.

Рашид ака баъзан мактаб устахонасида биринчи иш бошлаган кезларини эслаб кетади. Устахона аҳволи жуда ночор, асбоб-ускуналар йўқ. Болаларга амалий ишлардан ҳеч нарса кўрсатиб бўлмасди. Унинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги «йўқдан бор» қила олиши билан аста-секин устахона шароити яхшиланди. Турли-туман дастгоҳлар сони кўпайди, устахонадан болалар аримайдиган бўлди.

Ҳозир мактаб устахонасини ишлаб чиқариш корхонаси деяверинг. Унда болалар киномеханиклик, радио-телевизор усталиги, техник ижодкорлик, суратқашлик, автоҳаваскорлик, дурадгорлик, электр пайвандчилик, қизлар эса тикувчилик каби ҳунарларни ўрганмоқдалар. Тўгаракларга Рашид ака меҳнат ташкилотчиси сифатида раҳбарлик қилади. Қайси станок, қайси дастгоҳ бузилса, уни тузатиш Рашид ака зиммасида. Тузатади, таъмирлайди, яна нималардир қўшиб ишга мослаштиради.

Ўзи эса бевосита техник ижодкорлар, автоҳаваскорлик тўгаракларини бошқаради. У раҳбарлик қилаётган металлга ишлов бериш устахонасида 25 ўқувчига мослашган ишчи ўрни бор. Бу жойда текширув, ўлчов, қирқув ва бошқа турдаги мосламалар, шунингдек, 3 дона пармалаш, 2 дона электр пайвандлаш ва газпайвандлаш, 5 та токарлик-винт қирқар дастгоҳлари бор. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чиқинди металларни қайта ишлаш дастгоҳини ўқитувчининг ўзи узоқ изланишлардан сўнг бунёдга келтирди.

Ҳозирги тақчиллик шароитида ҳар бир нарсадан тежамкорлик билан, ҳатто ўша чиқинди темир-терсаклардан ҳам нималардир ясаб, турмуш эҳтиёжи учун фойдаланиш ҳар кимнинг ҳам ўй-хаёлига келавермайди. Янглишмасам, Рашид ака вилоят мактаблари меҳнат ўқитувчилари орасида биринчилардан бўлиб чиқинди металл парчаларидан керакли уй-рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган асбоблар ва автомашиналарнинг айрим зарурий қисмларини тайёрлашни йўлга қўйди. Дала каравотлари синиқлари, алюминий қувурлардан ҳар хил ўлчовдаги ойнаи жаҳон антенналари, пўлат симлардан узун-қисқа михлар, қаттиқ металлардан гайкалар, болтлар турли автомашиналар тормозларига зарур бўлган шайбалар, эски камералардан ҳар хил қопламалар тайёрлаш бу ерда одатий ҳол.

Айрим темир парчаларидан кичик ер-участкаларида ишлатиладиган кетмонча, ер тирнагич, тешача, гулмих каби ашёлар тайёрланади. Андава, арра каби ускуналар ҳам ёш усталар қўлида сайқал топмоқда.

Аслини олганда, ижодкор инсонлар табиатан ғалати феъл-атворга эга бўлишади. Улар учун ижоднинг вақти-соати йўқ. Ойнаи жаҳон антенналарига ҳар хил тўлқинлар урилгани сингари уларнинг ҳам ақл-заковатларига янгилик тўлқинлари дам-бадам урилаверса керак.

Бир куни Тўти опанинг ярим тунда уйқуси ўчиб кетди. Аста деразага қаради. Тонг оқариб келмоқда эди. Осмонда юлдузлар ҳали чарақлаб ётипти. Эрининг хонасидаги чироқ ёниқ.

— Дадаси, — деди Тўти опа хона эшигини қия очиб. — Ахир, ётиб ухласангиз бўлмайдими! Ҳадемай тонг отади. Эрталаб яна дарсга шошасиз, — дея қойинди у.

Рашид ака бу пайт нималарнидир ёзиб, чизиб қизиқ-қизиқ шаклларни қоғозга тушириб ўтирарди.

— Ҳозир-ҳозир, онаси, сен бемалол даминги олавер, — дедию ноилож қоғозларини секин бир чеккага сурди. Хотини ҳақ. Бирпас мизғиб олиши керак.

УЙҒОТАР КЎП ЮРАКНИ

ТУЮҚЛАР

Кимсага зинҳор берманг озор, сиз.
Бўлмангиз асло фаҳми оз, орсиз.
Унутманг: «Ёмон сўз — бош қозиғи»,
Тилингиз бўлсин ширин, озорсиз.

* * *

Меҳрингдан нур эмас жон ва таним,
Тупроғингдан зар унар, жон Ватаним.
Қадрингга етмай аро йўлда қолса,
Йўқ бўлсин сендин тонар жон, Ватаним.

АЙЛАГАЙ

Ўзбек қизин ибоси кўнгилни ром айлагай,
Ширин сўз, такаллуфи дилга ором айлагай,
Ҳусни ойни лол этиб, лек ҳаёси бўлмаса,
Ул мунаввар кунимни лаҳзада шом айлагай.

Минг бир тола зулфлари белга етиб тўлғонса,
Хушбўй ислар таралиб «муанбар» ном айлагай.
Қаро сочин бир тутам гажакка айлантирган
Ўзбеклигин унутиб, ўзни бадном айлагай...

Шукур қилгил Маҳмуда, юртинг дурдоналари,
Номин муқаддас билиб шаънин некном айлагай.

ВАЛИЕВА Маҳмуда Зонрхон қизи,
Тошкент шаҳридаги 274-мактаб.

ТАВАККУЛ

Е раббил оламин қуллик менга-ю муқримат сенга,
Узнинг раҳмон, ўзнинг қаҳҳор, муносиб юз сифат сенга.

Узинг ёлғиз илоҳимсан, сенга йўқдур шерик асло,
Таваккул айладим, ё раб, фақат сенга, фақат сенга.

Дилимга, раббано, сочгил ҳақиқат нурини ҳар он,
Рўзи маҳшарда мен осий не дерман оқибат сенга?

Аё кўнгил, мурод ҳосил ўлур сабру қаноатдин,
Харомдин қилмасанг парҳез, азобдур охират сенга.

Қаю кас тангрига қулдур, суюкли бандаси улдур,
Сужудсиз шоҳ эсанг, бил, бу — муваққат салтанат сенга.

Май-н ваҳдатга ошно бўл, ки ҳар жонинг поёнида
Бу майдин етгуси шавқу поёнсиз маърифат сенга.

Магар ҳақдин умидворсан, эй Турғун, ҳақ йўлин тутгил,
Ҳаёт бир нимҳондурким, эгамдин марҳамат сенга.

Турғун ТУРСУНБОЕВ.
Чиноздаги 5-ўрта мактаб.

ШЕЪРИЯТ

Руҳият парвоз — гўзал келинчак,
Ойнинг қучоғида туғилган гўдак,
Орзулар маскани, кўнгил парвози,
Султонни тебратган қадим беланчак.

Кўкрагимда ётар армонли юрак,
Вужудимдан отилар энг эзгу тилак,
Боболар тилидан сўзлар ривоят —
Шеърият, шеърият, шеърият!

Адиба ҲАМРО ҚИЗИ.

* * *

Кўзлар учрашади — бир оний чақин,
Лекин диллардаги тилга чиқмайди.
Сизсиз хира бўлган ғариб кўнглимга
Минг чироқ ёқса ҳам, бир қил сиғмайди.

Тузукроқ қарашга ботинмайминз ҳам,
Бизни кузатади неча-неча кўз.
Биласиз, ҳар оний чақин — минг туйғу,
Биламан, ҳар оний чақин — минг-минг сўз.

Бепарво нигоҳим, лоқайд нигоҳим —
Сизнинг изингизга илашган занжир,
Занжирнинг бир учи қарофингизда
Занжирнинг бир учи юрагимдадир.

Забонсиз юрагим, қайсар юрагим —
Ғурур қафасига қамалган бир қуш.
Сизни ўйламаслик унга азобдир,
Сизга талпинмоқлик саодатдир хуш...

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилояти.

МИЛТИҚ ОТИЛМАДИ

• (Ҳикоя) •

Тоғ чўққилари, даралар ёришиб, майин шабада эса бошлади. Қаердадир бир жуфт какликнинг навбат билан сайрагани эшитилди. Осмон шишадек тиниқ.

Олдинда кетаётган Сайфулла тўхтаб, сўради:

— Нонушта қилиб олсак қандай бўларкин-а, «Бурунбой» мерган?

Холдор унинг таклифини маъқуллади.

Милтиқларимизни елкалардан олиб қўйиб, супадай келадиган қизғиш тош устига жой тайёрладик. Йўл тўрвадан нон ва яхна гўшт олиб, кесиб қўйдик. Овқатландик. Сўнг газетада қолган овқатларни йиғиштириб, милтиқларимизни яна елкага осиб олдик.

— Ҳув, анави қояни кўраяпсизларми, ўша жойда учрашамиз. Ким олдин борса, кутиб туради. Иккаланг шу дара ичи билан бораверасан. Мен нариги дара билан ўша ёққа чиқаман.

Сайфулла сойдан иккинчи дарага ўтиб кетди.

Холдор билан боряпмиз. Баногоҳ дарахтлар орасида ёввойи чўчқаларнинг «ҳурҳур»и эшитилди. Сал ўтмай ўзлари кўринди. Бир чўчқани мўлжалга олиб ўқ уздим. Ўқим тегмади. Лекин бутун дара ларзага келди.

— Э, э, ҳаваскор мерган, нима иш қилиб қўйдинг? — деди Холдор.

— Анави чўчқани...

— Ҳе, чўчқа отмай ҳар бало бўл!

— Ҳа, нима бўпти?

— Ўқ овозидан кейин бу дарада кийикнинг тезагини учратасиз энди, — кесатди у.

Йўлда яна давом этдик. Бир пайт юрагим увишиб кетди. Олдимизда дарани кесиб ётган зовур учради. Зовур унча энлик эмас, лекин чуқур. Пастга қарсанг, бошинг айланади.

— Милтиқ билан тўрвани менга бер.

Холдор, аввал, халталарни зовурнинг нариги томонига ирғитди. Милтиқларни қўлига олиб шаҳд билан сакраб ўтди.

Мен ҳам чопиб келиб сакрадим. Ўша дақиқаларни эсласам ҳали ҳам юрагим орқага тортиб кетади.

— Қўрқдинг-а? — деди Холдор рангим ўзгарганини кўриб.

— Нима бўлса бўлди, — дедим.

Сайфулла билан белгиланган жойда тушдан кейин учрашдик. Тоғдан ям-яшил дарага тушдик. Булоқдан сув ичдик. Сўнг нарироқдаги кийикли дарада ов қилмоқчи бўлдик. Кун чиқиш томонда уч-тўртта уй кўринди.

Йўлда булоқ учради. Булоқ бўйида ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги бир қиз билан ўн ёшлар чамасидаги бола туришарди.

— Ассалому алайкум! — бола салом берди.

Қиз қимтиниб, бошидаги қизил рўмолининг бир учини тишлаб, ер остидан бизга қаради.

Шипдан — тош орасидан зилол томчилар «чак-чак» томиб турибди. Қиз билан укаси идишларини сувга тўлишини кутиб турибди экан.

— Исминг нима, ука?

— ...

— Сизники-чи, синглим?

Қиз жим. Оёғи билан ер чизади, укасига қарайди.

— Нафаҳмидам, — деди бола.

— Номи шумо чи?

Қиз қимтиниб секин жавоб берди:

— Моҳигул.

Ўрта бўй, майда ўрилган сочлари бутун елкасини қоплаб, белидан пастга тушиб турибди. Юзи оппоқ, қуюқ қошлари туташиб кетган. Киприклари узун, киррагина бурни рухсорига ярашиқли.

Биз ҳам идишларимизни сувга тўлдириб, дара томон кетар эканмиз, булоқ бошида бир туп қип-қизил лола тургандек, беихтиёр яна орқага қарагим келарди. У ҳамон булоқ ёнида қизариб кўринади...

Сайфулла айтган кийикли дарадамиз.

— Кийиклар шу йўлдан ўтишса керак, — деди Сайфулла. Ўзимни ҳарсангтош панасига олиб, бир соатча ётдим. Ногаҳон шитирлаган товуш эшитилди. Ҳушёр тортдим. Шундоққина қаршимда тош устида бир оҳу турарди. Унинг тим қора кўзларига боқиб анқайиб қолибман. Тавба, кўз ҳам шунчалик жозибали бўладими?

Оҳу эса атрофга аланглаб қўяди. Нималарнидир «кирт-кирт» юлган бўлади. Уни кузатар эканман, ҳаёлимда унинг ёнида Моҳигул пайдо бўлгандек сездим.

Эҳ, жонивор, ўзинга ўлим ҳавф солиб турганини сездимикин? Сезгани йўқ!

Хаёл мени узоқларга бошлаб кетди. Ўрта мактабда ўқиган пайтларимда Наврўзбек деган расм ўқитувчимиз бўларди. Ёшликда менда ҳам расмга қизиқиш кучли бўлганлиги учунми, иккаламиз қалин эдик.

Бир куни мени етаклаб ижодхонасига олиб кириб:

— Мана ошнам, Кўҳитанг манзарасини томоша қил, — деди, — қандай гўзал!

Полотнода узун кўйлак, лозим кийган тоғ қизи оҳуни эркалаб турарди.

«Эҳ, инсон, наҳотки, шундай гўзалликларга қарата ўқ узасан! Жонли, маъсума нарсани қип-қизил қонга бўяб, мурдага айлантирасан. Нима учун? Балойи нафс дебми? Йўқ, Инсон асло бундай ёвузликка йўл қўйиши мумкин эмас!».

Бу менинг ёрқин хаёлларим эди, холос.

Яна бир дам жим турсам, жонивор қочиб қолиши мумкин. Тепкига қўлимни олиб бордим. Лекин кўзларим қамашиб, бармоқларим титраётганини сездим. Ўнг томонда, дарахтлар орасида каклик сайради. Унга бошқалари жўр бўлишди.

Ички бир нидо: «Отма, отма! — деб қўлларимга чирмашди. — Инсон ёвузликка йўл қўймайди дединг-ку!».

Кийик тошнинг нариги томонига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Ўзимни оғир жиноятдан сақлаб қолгандек ҳис этдим. Енгил нафас олдим.

Ҳамид БАДАЛОВ,
Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 25-мактаб.

БИР ЙИГИТ

Ун саккизга тўлган йигит бор,
Ун тўққизга сира етмайди,
Қўплар унга бўлур интизор,
Лекин қайтмоғини кутмайди.

Нима яхши ва нима ёмон,
Кўрмай, билмай кетиб қолди у.
Тош мисоли қотган юракка,
ва кўзларга ёшлар солди у.

Ун саккизга тўлган йигит бор,
Ун тўққизга сира етмайди,
Тенгларининг фарзандлари бор,
Унга бу кун насиб этмайди.

Муҳаббатга ташна эди у,
Табиатга ошно эди у,
Юрагимга армон бўлди у,
Афғон юртда афғон бўлди у...

Ун саккизга тўлган йигит бор,
Ун тўққизга сира етмайди,
Ҳар кун бизнинг ҳовлимиз томон,
Мўраламас, қараб ўтмайди.

Унинг уйи абадий мозор,
Бунда қадамлари етмайди.
У бокира муҳаббат эди,
Унутмайди, қалб унутмайди...

Ҳафиза ҚУЛДОШ қизи,
Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги Миртемир номидаги 51-мактаб.

Сирғали тумани Убай Маҳмудов номли ўрта мактабдаги Навоий музейини тил ва адабиёт ўқитувчиси Матлуба Комилова ташкил қилган. Ўқувчилар бу ерда мароқли навоийхонлик кечаларини ташкил этишиб, улуғ бобомиз руҳини шод этишмоқда.
Б. АЛИМОВ олган сурат.

ШАРҲИ ҲОЛ

БИР НОШУД МАКТАБ ДИРЕКТОРИ ТИЛИДАН

Директор бўлсам ҳамки,
Мактабдан узоқдаман.
Гоҳида курашдаю,
Гоҳида улоқдаман.

Қозон-чўмичим мою,
Ҳар йил «путёвка» шаю.
Бир қаранг, Ялтадаю,
Бир қаранг — Чортоқдаман.

Гум бўлсам ҳам ҳафталаб,
«Мактабга кел эрталаб», —
Деб биров қилмас талаб,
Ов қилиб қир-тоғдаман.

Ўтказмасам педсовет,
Тош отишар кетма-кет.
Менга, бир-икки безбет —
Йўқотолмай, доғдаман.

Баъзилар дейти: «баднафс»,
Ахир, ким ичмас, емас?
Оҳ, даврим узоқ эмас —
Ёмон туш кўрмоқдаман.

Ўқувчилар — илми пуч,
Олар нуқул «икки», «уч».
Комиссия келса дуч —
Шўр қурир, қармоқдаман.

МАШРАБ

Ақлим ҳар корга етди —
Кўнгил оҳ-зорга етди.
Бошимни баланд тутдим,
Оқибат: дорга етди.

Абдумурод РАҲМОНОВ,
Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги 46-мактаб.

Таниш: ижодкор ўқитувчилар

Х. БАДАЛОВ.

* * *

М. ВАЛИЕВА.

* * *

Т. ТУРСУНБОЕВ.

* * *

А. ҚИЛИЧЕВ.

Рашид ака мактабга етиб келганда ҳали соат саккиз бўлмаган эди. У сабрсизлик билан қўнғироқ бўлишини кутди. Миясида чарх ураётган фикрлари унга сира тинчлик бермаётган эди. Устоз юқори синфга дарсга кириб, ўша хаёлида айланаётган фикрни ўқувчиларга ётиғи билан тушунтирди. Йирик қора мол шохлари, қўчқор шохлари, катта мол суяклари йиғиб келишни илтимос қилди. Бунга болалар ҳайрон бўлишди, ахир, илгарилари синф раҳбарлари темир-терсаклар йиғиб келишни қайта-қайта тайинларди-да!

Йиғилган мол шохлари қайноқ сувга тиқилиб, унинг яроқсиз қисми осонгина кўчириб олинди. Сўнг турли-туман асбобда ишлов берилди. Қарабсизки, ҳар хил кўринишдаги балиқ, оғзини очиб турган кит, сайраётган қушчалар шакли пайдо бўлди. Қадим боболар шароб ичган бурама идиш, эшик ва ромларга ҳар хил тутқичлар — суяклар ҳам шундай ажойиб гўзал шаклларга кирдики, гўё уни фабрика маҳсулотлари дейсиз. Йўқ, бу — ўша юлдуз чарақлаган тунда туғилган янгилик — кашфиёт. Рашид ака бошчилигида шогирдлар қўлидан сайқал топиб тайёрланган ижод мевалари эди.

Устахонани айланарканмиз, диққатимизни яна бир мўъжиза тортди: бу булутларни отадиган ўқнинг патрони, деди Рашид ака. Сўнг қўлимизга ундан тайёрланган ажойиб бир қаламдонни тутқазди: бу сизларга совға!

Бизни мафтун қилиб турган санъатга боқиб хаёлимиздан кўп нарсалар ўтди. Вилоятимиз мактабларида қанчадан-қанча металл чиқиндилар тўпланади. Агар ўқитувчида тадбиркорлик, ишбилармонлик, изланувчанлик бўлса, болар тайёр устахона материаллари эканлиги, ундан қанча фойда келиши, зарур асбоб-ускуналар ясаб турмушнинг бирор корига яраши хусусида бош қотирилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки металл йўқ, у йўқ, бу йўқ, деб баҳона изловчилар ҳозир ҳам топилади. Рашид ака Мажидов назарида ташландиқ нарсанинг ўзи йўқ, темир-терсак парчаси эса назардан четда қолаётган бойлик, муаммо, уни узоқ ўйлатади. Ундан нимадир ясашни кўзлайди.

Ташаббуснинг қаноти бор, деганларидек, Рашид ака бошлаган ишнинг довруғи элга ёйилди. Тез орада мактабга атроф аҳолидан, турли ташкилотлардан буюртмалар ҳам туша бошлади. Масалан, 1991-92 ўқув йилида Қарши шаҳар маҳаллий саноат тикув фабрикаси, «Ўзбекнефтегазгеология» бирлашмаси, махсус автотранспорт корхонаси, вилоят йўл қурилиш бошқармаси, шаҳар кўкаламзорлаштириш хўжалиги каби ўндан ортиқ корхоналар билан шартномалар тузилди. Бу корхоналаринг буюртмалари ўқувчилар кучига суяниб, дид ва ақл билан бежирим тайёрланмоқда.

Қарши тикув фабрикасининг директори Т. Исмоилова мактаб билан шартнома тузиб, 10—11-синф қизлари учун тикув цехи очиб берди. Цех фабрика ҳисобидан тикув машиналари билан таъминланди.

Ўқувчиларнинг ўзларидан сайланган бригадир ва ҳисобчи ишни ташкил қилиш, буюмлар сифатини назорат этиш, кундалик бажарган иш ҳақини аниқлаш билан машғул бўладилар. Ойнинг охирида ишлар жамланиб, буюртмачига топширилади. Ўқувчилар меҳнат ҳақининг бир қисми уларнинг розиликларига кўра мактаб ҳисобига ўтказилади. Қолган қисми болаларнинг ўзларига тарқатилади.

Энди икки оғиз сўз устоз яратган ихтиролар, бир қатор янгиликлар ҳақида. Қашқадарё азалдан пахта ва чорва юрти. Вилоятнинг қайси қишлоғига борманг, жун йигириб гилам тўқиб турган хотин-қизларни кўрасиз. Аммо жун ва ипни улар қўл билан урчуқларда йигириб тўқишади. Рашид ака ўз қишлоғи Ғузорга борганида опа-сингиллари тортаётган заҳматни кўп бор кузатганди. Ўшанда бу оғир меҳнатни енгил қилиш йўлини кўп ўйлаган эди у.

Ниҳоят, орзуси ушалди. У ип-йигирув мосламаси — электр урчуғини яратди. Мослама жуда оддий иш тартибига эга. Ундан уй бекалари ҳам бемалол фойдалана оладилар. Бу мослама 1992 йил март ойида Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бир ҳафта мобайнида намойиш этилди, шу ерда мутахассислар кўригида юқори баҳоланиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Рашид Мажидов эса Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Кўргазмали қуролларнинг муваффақиятли синовидан яхши ўтгани учун» медали билан тақдирланди.

Айни пайтда кўргазмадаги ип йигирув мосламаси шартнома асосида «ТЕХНОЛОГ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Чирчиқсельмаш» заводида ишлаб чиқарилиб, харидорларга сотиляпти.

— Янгиликни яратишдан мақсад, — дейди Рашид ака. — Одамлар мушкулини осон қилишдир. Шу боис ҳам Тошкентдаги 2-автомобилларни қайта таъмирлаш заводи электр урчуғини ўқувчилар ва уй бекалари учун таннархини арзонлаштирган ҳолда 12 вольт қувватда ишлайдиган қилиб чиқараяпти.

— Ип йигирув мосламангизга бирор чиройлироқ ном танламадингизми, — дея сўраймиз ихтирочидан. Рашид ака мийиғида кулади. — Ўригидан данаги ширин, деганларидек севимли набираларимдан бирини номини қўйдим. Ҳозир мослама «ЮЛДУЗ» номи билан юритиляпти.

Йил бошида яна бир янгилик тезда қанот ёйди. Рашид ака чиқинди металлардан «Мебелларни қайта таъмирлайдиган қурилма» кашф этди. Бу қурилма назаримда ҳар бир мактабга, ҳар бир ташкилотга, ҳатто хонадон эгаларига ҳам керакли экан. У билан мактаб парталарини, стол-стулларни, шкафларни, шифонерларни соз ва қулай таъмирлаш мумкин. Бу қурилмани ҳар бир киши иш шароитига қараб мослаштира олади. Мазкур қурилмани Тошкент компрессор заводи ҳар бирини 1878 сўмдан ишлаб чиқара бошлади. Унинг харидорлари тобора кўпаймоқда. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқ трансформатор заводлари ҳозир шартнома тузиш арафасида. Бундан давлат ҳам, маориф ҳам анча фойда кўради.

Рашид ака Мажидовга мукофотларингиз ҳақида гапиринг, десангиз «Кўп қатори ишлаб юрибмиз-да», дейди секингина. Унвонлари ва даражаларини ёзсак бир талай: «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ихтирочи ўқитувчи».

Рашид ака оддий, истараси иссиқ камтар инсон. Уни бир кўринг-у, академик шоир Ғафур Ғуломни эслайверинг. Одам-одамга шунчалар ўхшашлигига ҳайрон қоласан, киши.

Ижодкор ўқитувчи Рашид Мажидов айни кунда яна бир ихтиро устида ишлаяпти. Устоз яратаётган «Билиминг ни синаб кўр» деб аталувчи кўргазма билан бошланғич синфдан тортиб 11-синфгача болалар билимини синаб кўриш мумкин. Саволларни ўқитувчининг ўзи тайёрлайди. Уни барча фанларга қўллаш имконияти бор. Кўргазманинг яна бир хосияти шундаки, у жавобларни товуш ва ёруғлик билан маълум қилади.

Рашид ака тажрибали, яратувчи ўқитувчи бўлиши билан бирга моҳир жамоатчи ва катта хонадоннинг меҳрибон отаси ҳамдир. Устоз хонадонини кичик ҳунар мактаби деса бўлади. Рашид ака бир пайтлар асалари боқишда ҳам донг таратганини, нечаталаб шогирдлар етиштирганини одамлар ҳамон эслаб юришади. Унинг катта ўғли Рауфжон муҳандис, Гулжаҳон институтда ўқитувчи, ўйда эса чевар тикувчи. Орифжон савдо ходими. Сабоҳат зардўзлик буюмлар тикиш устаси, Илҳомжон маорифчи. Рашид аканинг умр йўлдоши Тўтихон опа кўп йиллардан бери ёшларга таълим-тарбия бериб келади.

Рашид Мажидов учун мактаб устахонаси ўз уйидек азиз, уйи эса ижодхона. Уйда ҳам тиним билмайди, янги кашфиётлар устида бош қотиради. Шу зайлда нур тўла тонгларни кутиб олади. Тонгдай оппоқ беғубор фикрлар замирида янги-янги ихтиролар бунёдга келади.

Баҳром МАҲМУДОВ.
Қашқадарё вилояти.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТИ ЖАМОАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯСИ» ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ. УШБУ ЛОЙИҲА ВАЗИРЛИКНИНГ ҲАЙЪАТ ИЙҒИЛИШИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ ВА МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ УЧУН ГАЗЕТАДА ЁРИТИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ.

ЎИЛАЙМИЗКИ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ БИЛАН КОНЦЕПЦИЯНИНГ МУКАММАЛ БЎЛИШИГА ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШАДИЛАР.

* * *

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши республикада педагогик кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ўқув мазмунларига тубдан ўзгартириш киритилишини талаб қилади.

Ҳозирги замон ўқитувчиси ва тарбиячиси ўзига юкланган вазифаларини талаб даражасида бажариш учун юксак маънавий сифатларга, умумий ва касб маданиятига эга бўлиши, ўзининг ахлоқий поклиги, ижтимоий фаоллиги билан Ўзбекистон фуқароси сифатида муайян мураббийлик масъулиятини ҳис этиши лозим. Бунда ўқитувчи ва тарбиячидан шахсий ҳиссиётга берилмаслик, ижодий тасаввур ва руҳий саҳийлик талаб қилинади.

Узлуксиз педагогик таълим концепциясининг мақсади, бўлажак ўқитувчини тайёрлаш ва уни вояга етказишдаги таълим поғоналарининг касбий тавсифномаларини ишлаб чиқиш, уларни ташкил қилиш, йўналишларини аниқлашдан иборатдир.. Касбий тавсифнома ўқитувчи шахсига мос талабларни қамраб олган намунавий вазифалар тизимидан ташкил топади. Шунга кўра, бу тизим педагогик таълим мақсадини белгиловчи ўқитувчи шахсининг шаклланиши учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва характер-хусусиятларини ривожлантиришга имконият туғдиради.

УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

Педагогик таълим мазмунини, технологиясини ва бошқарувини тубдан яхшилаш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

— давр талаблари ва келажакни олдиндан ҳисобга олган ҳолда педагог-ўқитувчиларни тайёрлаш тизимининг мазмуни, амалиёт билан боғлиқлиги шакли ва услубларини ўзгартиришнинг ҳаракатчанлиги ва кўп хиллигини таъминлаш;

— ҳозирги замон умумтаълим мактабида бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва педагогик таълим ривожланишининг илгарилаб бориши;

— педагогик таълимни кенг гуманитарлаштириш шароитида ўқитувчи шахсини ижтимоий-ахлоқий, умуммаданий ва касбий ривожланишининг бирлиги;

— педагогик таълим тизимининг изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;

— педагогик таълимнинг инсонпарварлиги, ўқувчи шахсини авайлаш ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

— бўлғуси ўқитувчининг шахси, ижодий фаолиятига асосланиб, уни тайёрлашда табақалаб ўқитишни ва шахсий-ижодий ёндашишни таъминлаш;

— педагогик жараён қатнашчиларининг фаоллиги, ташаббуси ва ижодкорлигини ривожлантириш, унда ҳар томонлама ўз-ўзини бошқаришни кўзда тутган ҳолда педагогик таълимнинг барча жабҳаларини демократиялаштириш;

— педагогика ўқув юртларининг ўқув-тарбия жараёнига замонавий техника воситаларини тадбиқ этиш ва янги ахборот технологиясини қўллашни кўзда тутиш;

— педагогик таълим мақсадли равишда молиявий таъминлаш, педагогика ўқув юртларининг молиявий ва хўжалик мустақиллигини, ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратиш.

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Педагогик таълимнинг мақсади ва тамойиллари педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг янги мазмуни, ташкилий шакллари ва услублари зарурлигини, буларнинг замонавий мактаб олдида турган вазифаларга, умумий ўрта ва узлуксиз таълим концепцияси ғояларига мослаштиришни тақозо этади.

Ўқитувчининг умумий ва касбий такомили унинг бутун амалий фаолияти ва касбий (ихтисослик) тавсифномасига мувофиқ тарзда ташкил қилинади. Такомиллаштириш ғояси педагогик таълим мазмуни ва технологиясини тубдан янгилашнинг ўзаги бўлиб хизмат қилади. Бу эса муҳим омил сифатида педагогик таълим тизимини доимий такомиллаштиришни, ўқитувчи шахсини тўкис ривожлантиришни, бола шахсининг тараққиёт қонуниятларини педагогик диагностика қилиш услубларини белгилашни, таълим бериш технологиясини мукаммаллаштиришни тақозо этади. Натижада педагогик таълимнинг босқичлари ва тамойилларининг ўз мазмуни вужудга келади.

Узлуксиз педагогик таълимнинг амалга оширилиши уч босқичда (касб тайёргарлигигача, таянч касбий таълим, касбий такомиллашиш) амалга оширилади.

КАСБ ТАЙЁРГАРЛИГИГАЧА БЎЛГАН БОСҚИЧ

Бу босқичнинг асосий вазифаси ўқувчи учун бўлғуси касбини танлашда унинг фаоллигини намоён этувчи шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Касб фаолиятининг турли-туман шакллари мактаб ўқувчиси билан узоқ муддатли алоқа бўлишни талаб қилади. Натижада ўқувчи шахсини ўрганиш, ўқитувчилик касбига руҳан тайёргарликни шакллантириш имконияти туғилади, шунингдек, ўқитувчилик фаолиятига қизиқиш, лаёқат, интилиш, педагогик тасаввурлар шаклланади.

Республикадаги барча олий ва ўрта махсус (педагогика билим юрти, педагогика институти, университетлар) ўқув юртлари қошида ташкил қилинаётган янги турдаги ўқув муассасалари (ихтисослашган мактаблар, педагогик лицей лар), педагогика ўқув юртларига бириктириб қўйилаётган ўрта мактабларда (10—11-синф) ёшларни педагогик касбга йўллаш бўйича фаол иш олиб бориш имкониятларини беради.

Ўқитувчи мутахассислигига ёшларни тўғри танлаб олиш уларни шу мутахассислик бўйича пухта тайёрлаш ва уларга шарт-шароитлар яратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ўз аксини топмоқда.

АСОСИЙ ИХТИСОСЛИККА (КАСБГА) ТАЙЁРЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртларида ўқитувчи тайёрлаш мазмуни ва жараёни асослари намунавий ўқув режалари ва касб тавсифномаларида ўз аксини топади. Бу ҳужжатлар аниқ педагогик мутахассисликлар бўйича ихтисослик тавсифномаси талабларига мувофиқ равишда яратилади.

Узлуксиз педагогик таълим тизимида педагогик кадрлар тайёрлаш поғонали равишда амалга оширилади.

Ўрта махсус педагогик таълим ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Бу таълим педагогика билим юртларида, индустриал-педагогика техникумларида, педагогик коллежларда босқичли шаклда амалга оширилади. Педагогика билим юртлари ва индустриал-педагогика техникумларида ўқиш 2 босқичда, педагогик коллежда эса 3 босқичда ташкил этилади. Таълимнинг биринчи босқичини муваффақиятли тугатган талабаларга битирув (давлат) имтиҳонлари натижалари бўйича ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ва ўқиш даврида олган касби ҳақида гувоҳнома берилади. II босқичда ўқишга тавсия қилинган талабалар ўқишини давом эттириб, ўрта махсус педагогик маълумот оладилар ва бу ҳақда диплом берилади.

II босқич ўқишини муваффақиятли тугатганлар сафидан III босқич ўқишига (олий таълимнинг I босқич шаклига) педагогик коллежга қабул қилинадилар. Бу босқични муваффақиятли тугатганларга «бакалавр» даражаси (дипломи) берилади. Бу таълимнинг III босқичи коллеж мақомига эга бўлган ўрта махсус ўқув юрти шаклида ёки олий ўқув юрти таълимнинг I босқичи шаклида бўлиши мумкин.

Олий маълумотли педагог мутахассисларни университетларда, педагогика институтларида, педагогик коллежларда (I босқич олий таълим) тайёрлаш мақсадида умумий ўрта, ўрта ҳунар-техника, ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларидан тест синов орқали танлаб олинади. Олий педагогик ўқув юртларидаги таълим икки босқичли асосда, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати тасдиқлаган Низомга мувофиқ бакалавр ва магистр даражасини бериш орқали амалга оширилади.

Бакалавриат таянч мактабларининг I—IX синфлари учун, магистратура эса ўрта таълимнинг 10—11—12-синфлари, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва янги шаклдаги (лицей, гимназиялар) мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш вазифасини бажаради. Магистратурани иқтидорли битирувчилари аспирантурага кириш ҳуқуқини оладилар.

Ўқитувчини асосий ихтисосликка тайёрлаш мажмуасини қайта қуриш, аввало, мактабни инсонпарварлаштириш ва маданийлаштириш вазифасини қайта тиклашга боғлиқдир.

Талабалар томонидан доимий маънавий изланиш, ўтмиш ва ҳозирги давр кишилари ва ғояларнинг тарихий тақдирини ўйлаш, инсоният олдида турган муаммоларни билиш ва уни ҳал этишда ўзининг фаол қатнашуви лозимлигини англаш орқали уларда бўлғуси ўқитувчининг шахси шаклланади.

Ўқитувчи шахсининг маънавий кучқудрати унинг умуминсонийлиги, байналмилалчилиги, миллий-маданий анъаналарига нечоғлик яқинлиги билан белгиланади. Шу боис, ўқув режалари ҳамда дастурларини яратиш халқнинг маданий-тарихий анъаналарини, унинг умуминсоний маданияти билан диалектик бирлиги таълими асосида яратилади.

Бунда билим, кўникма ва малакалар ҳажмига эмас, балки уларнинг даврийлигига ва ҳаракатчанлигига эришмоқ лозим. Бу талабани педагогика ўқув юрти битирувчиси сифатида ўз касб фаолиятини юқори илмий-педагогик даражада бўлишини ҳис қилишга, мавжуд педагогик ҳодисаларни мустақил равишда ўрганишга, мустақил ҳолда илмий-педагогик билимларни эгаллашга, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини таҳлил қилишга ўргатади.

Педагогик таълимни ташкил этишни қайта қуришнинг бош йўналиши ўқитувчининг ижодий шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва уни ўқув-тарбия жараёнига якка тартибдаги ижодий ёндашишга ўргатишдан иборатдир.

Якка тартибдаги ижодий ёндашишни амалий рўёбга чиқариш талабаларнинг мавжуд психофизиологик имкониятларини ва уларнинг ўқув-тарбиявий ишларга педагогик тайёргарлигини ҳисобга олинишини талаб қилади. Шу мақсадда педагогика ўқув юртларида психологик-педагогик хизмат йўлга қўйилади. Талабаларнинг педагогик тайёргарлиги даражаси тўғрисидаги маълумотлар, аниқлангач, уларни якка тартибда ўқитиш, мустақил ишлашни ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича махсус дастурлар тайёрланади. Бундай назоратнинг доимий равишда амалга оширилиши ўқиш натижалари ва яратилган шароитлар учун масъулиятини кучайтиради ва келажакда рейтинг тизимини жорий қилишни тақозо этади.

Аммо бу алоҳида фанлар бўйича, таълимнинг тугалланувчи босқичидаги касб тайёргарлиги мажмуалари бўйича якуний аттестация аҳамиятини пасайтирмайди. Педагогика ўқув юртлари битирувчиларининг якуний аттестацияси мазмуни тайёргарлик сифатини баҳолашда норматив асос вазифасини бажарувчи касбий тавсифнома мақсадлари ва талабларига мувофиқлашади.

Ўқув-илмий педагогик мажмуалари (ЎИПМ) педагогик кадрларни тайёрлашнинг истиқболли ташкилий шакли ҳисобланади. ЎИПМ педагогика ўқув юрти мутахассисликлари таркиби ва тавсифини ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган таянч ўқув-тарбия муассасаларини бирлаштиради. Бундай мажмуа талабаларни бўлғуси касбий фаолияти доирасида узлуксиз ижодий изланиш имкониятини беради, педагогик маҳорат тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва бойитишга, амалиётда педагогика фани ютуқларини тезда синаб кўриш, касбий-педагогик тайёргарлик жараёни ва мазмунини янгилаш ва бойитишга олиб келади.

ИХТИСОСЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОСҚИЧИ

Узлуксиз педагогик таълимни қайта қуриш ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг тизимига хос бўлган оммавий-умумий ёндашиш ва расмиятчиликдан қутулишни талаб этади.

Ўқитувчининг ихтисослик бўйича баркамоллигини таъминловчи асосий шартлар:

— таянч ва қўшимча таълимнинг қонуний кетма-кетлиги;

— ўқиш ва мустақил билим олиш турли шаклларининг ўзаро алоқаси;

— таълим мазмуни ва шаклларини ҳар хиллаштириш, табақалаштириш ва алоҳидалаштириш ёрдамида ўқитувчининг аниқ ҳаётий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш;

— малака оширишнинг давлат ва жамоатчилик шаклларини биргаликда олиб бориш ҳисобланади.

Ўқитувчининг ижодий имкониятларини, унинг касб эгаси ва шахс сифатида мавқеини узлуксиз мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагилар амалга оширилади:

— малака ошириш институти (факультетлари)да ўқитувчиларни тайёрлашни табақалаштириб ташкил этиш имкониятини берувчи алоҳида режалар асосида ҳам таълим бериш;

— олий ўқув юртларида, малака ошириш институт (факультет)ларида, ўқув ва илмий муассасаларнинг махсус факультетларида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш; шу мақсадда педагогик диагностикани кенг қўллаш;

— ўқув-тарбиявий, тармоқ илмий муассасаларида, халқ таълими бошқаруви ташкилотларида, ишлаб чиқаришда (қайси вазирликка қарашлилигидан қатъий назар) ўқитувчилар стажировкасини ўтказиш;

— илмий ходимлар тайёрлаш мақсадида тадқиқотчилик, аспирантура ва докторантурага йўллаш, ижодий таътиллар бериш;

— ихтисослик бўйича доимий равишда мустақил таълим олиш ва тарбиялаш.

Халқ таълими ходимлари малака оширишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланишлари мумкин: ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда марказ, вилоят, туманда ўтказиладиган мураббийлик асосидаги, экстернат кўринишдаги, қисқа муддатли эркин тингловчилар, сиртдан ва қатнаб таълим оладиган, муаммоли (мақсадли), шахсий режа асосида ташкил этиладиган, муаллифлик, туманлараро доимий ҳаракатдаги курслар, ижодкор педагог иши асосидаги стажировка ва бошқалар.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида узлуксизликни таъминловчи малака оширишнинг шаклларидан бири — бу мутахассисни доимий ўз устида мустақил ишлаши, билимини такомиллаштиришидир. Бу шакл мутахассис томонидан тузилиб, ўқув юртлари раҳбарлари томонидан тасдиқланган шахсий режа асосида амалга оширилади. Малака оширишнинг бу шакли орқали мутахассис ўзининг касбкорлик, илмий-маданий, мафкуравий савиясини янада бойитиб боради.

Ўқитувчилик меҳнати хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, педагогларни малака ошириш учун фақатгина ўз ҳудудида эмас, шу билан бирга, четга, жумладан, бошқа давлатларга ҳам, шунингдек, олий ўқув юртларига қисқа муддатли кундузги, кечки ва сиртқи ўқишга, экстернат тартибида билим олишга йўлланади. Бунда педагогнинг ўз тажрибаси асосида методик тавсиялар ёзиши учун унга ижодий таътил олиш ҳуқуқини бериш ҳам кўзда тутилади. Малака оширишнинг шакли, мазмуни ва муддатини белгилаш эса ўқитувчининг касбий тайёргарлиги ва тажрибасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ўрта ва олий педагогика ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини бўш лавозимларга битим асосида ишга олиш тизими жорий этилади. Кўпгина ривожланган мамлакатлардаги каби, ўқитувчи таълим ва тарбияда эришган ютуқлари учун моддий рағбатлантирилади, касб фаолиятида муайян имтиёзларга эга бўлади. Ихтисослик тоифасига кўра, табақалаштирилган маош жорий қилинади.

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ

Педагогик таълимни бошқаришни қайта қуришнинг асосий йўли уни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, тармоқ ва маҳаллий эҳтиёжлардан жамият ва шахс қизиқиши ҳамда эҳтиёжларига ўтишдир. Бундай йўл педагогика ўқув юртларидаги ўқитувчилар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг мазмуни, шакли ва услубларидаги самарасиз бир хилликни тугатишни кўзда тутади.

Педагогик таълимни бошқариш тизимини янгилашнинг энг долзарб ва муҳим вазифаси марказлаштиришдан қочиш, бошқарувнинг республика, ҳудудий ва маҳаллий ташкилотлари ўртасидаги вазифа ва ваколатларни қайта тақсимлаш, ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларнинг ва педагогика ўқув юртларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, ўқитувчилар тайёрлаш сифати учун уларнинг масъулиятини оширишдан иборат. Ўқув юртларини бошқариш унинг ўз-ўзини бошқаруви, унга эркинлик ва ташаббускорлик берилиши, коллегиаллик ва ошкораликнинг ривожланиши билан мужассамлашган ҳолда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

— педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказиб боради;

— педагогик таълимни ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал қилади;

— унумли илмий-методик раҳбарлик, мутахассисларни тайёрлаш сифати устидан давлат назоратини олиб боради;

— узоқ муддатларга мўлжалланган режаларни олдиндан аниқлаб беради;

— ўқув юртлари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил қилади;

— ўқув юртлари ўқув-моддий базасини ривожланишини таъминлайди;

— ЎзРТТМ билан ҳамкорликда талабалар қабулини ташкил қилади, педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганади ва бошқа вазирликлар билан ҳамкорликда кадрлар таъминотини амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди, педагог касбига йўллаш ва саралаб олиш тизимини амалга оширади, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга буюртма беради. Ўқув юртларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашда иштирок этади.

Педагогика олий ва ўрта ўқув юртлари мутахассисларга бўлган талаб асосида мутахассисликлар турини аниқлайди, халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ёшларни касбга йўллаш ва саралашни ташкил этади, қабул режасини шакллантиради, намунавий ўқув режаси асосида миллий ва ҳудудий хусусиятларга мосланган ишчи ўқув режаларини ва касбий тавсифномани тузади.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Эътиборхон ИЛЁСОВА!

Сиз йигирма беш йилдирки, Тошкентдаги 377-болалар боғчасида куч-қувватингизни аямай фаоллик кўрсатиб келаяпсиз. Бугун — бесамар ўтмаган умрингизнинг яна бир йилини тўйлаётган қутлуғ айёмда Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими ҳамда 377-болалар боғчаси жамоаси Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, раҳбарлик фаолиятингизда каттадан-катта муваффақият тилайди.

Азиз умрингизнинг сал кам 30 йилини Қува туманидаги Низомий номли 42-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларига билим бериш дек оғир ва шарафли ишга бағишлаган меҳрибон онажонимиз Карматхон Абдуллажонова, Сизни умрингиз фаслининг 47 баҳори билан чин дилдан қутлаймиз.

Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг!

Фарзандларингиз ШОҲИСТА, ШУҲРАТ, ҲАМИДА, ХОЛТУРА.

Ҳурматли Райим ҲАМИДОВ!

Мактаб ва маориф соҳасида иш бошлаганингизга 30 йил тўлди. Қарийб 18 йилдирки, бош назоратчи вазифасида фаолият кўрсатмоқдасиз. Ана шу давр ичида халқ маорифи тизимида самарали ишлаб, эл ҳурматини қозондингиз. Беҳисоб шогирдларингиз Сизни алқаб тилга олишади, Сиз билан фахрланишади. Таваллуд топган кунингиз билан самимий табриклаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва оилавий бахт-саодат тилаймиз.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЗАФАРОБОД ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ВА КАСАБА УЮШМАСИ.

Ҳурматли Зокир ака УСМОНОВга!

Устоз, Сиз 40 йил давомида кўз нурингизни аямасдан ёшларга сабоқ бердингиз. 28 йилдан бери Зангиота туманидаги 42-мактабда раҳбарлик лавозимида ишлайсиз. Фарзандларингиз юртга намуна, шогирдларингиз бисёр.

Муборак 63 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Доимо омон бўлинг.

ШОГИРДЛАРИНГИЗ.

МАКТАБГА ЯНГИ НОМ БЕРИЛДИ

Андишали халқимиз бир асрдан зиёд сукут сақлаб келди. Маҳаллий аҳолининг ювошлиги, меҳмондўстлигидан айёрона фойдаланган Марказдаги буюк «ота»ларимиз серқуёш Ўзбекистоннинг кўп жойларига ўз «суяклари» номини тиқиштирдилар. Бу нохуш манзарани кўрган хорижликлар: «Биз мустақил Ўзбекистонга келдикми ёки Россиядамизми?» дея ажабланиб, елкасини қисишарди. Ошкоралик замони келди, эндиликда миллий қадриятларимиз тантана қиляпти. Эндигина тили чиққан мурғак боладан тортиб, нуроний отахону онахонларгача — ҳамма Давлат тили ҳақидаги қонуннинг тезроқ амалга ошиши учун баҳоли қудрат улуш қўшяпти.

Яқинда туманимиз ўқитувчи-ўқувчилари, кўп сонли ота-оналарининг орзулари ушалиб, талаб-истаклари инобатга олинди. Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом туманидаги 28-ўрта мактаб номи ўзгартирилди. Навқирон Жума шаҳридаги Ломоносов номли бу мактаб эндиликда Шароф Рашидов номи билан юритиляпти.

Н. ЭШҚУВВАТОВ
Паст Дарғом туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги кекса педагог

Фотиҳ КАРИМОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқувчилар техник ижодиёти марказининг директори Т. Қорабоевга онаси

Замира ҚОРАБОЕВА

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси Ҳамдам Исмоиловга отаси

Исмоилжон ЙЎЛДОШЕВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг нашриёт ходими Нуғмон Тойировга онаси

Иноят ИСҲОҚОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чилонзор туман халқ таълими бўлими, фан ходимлари касаба уюшмаси, 270-мактаб жамоаси шу мактабнинг илмий мудири Маъмура Ҳайитмуҳамедовага онаси

Баҳри ҲАЙИТМУҲАМЕДОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис),
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир: Саъдулла ҲАКИМ
Таҳрир ҳайъати:
Умида Абдуазимова, Ашурали Аҳмедов, Алишер Каримов, Ғаффор Маннопов, Абдулла Орипов, Тотлимурод Отамуродов, Маҳкам Раҳмонов, Маҳмуд Саидаҳмедов, Баҳром Қодиров, Бегали Қосимов, Абдусами Ҳақбердиев /масъул котиб/.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000040.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-549. 91379 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2.

Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. 1 2 3 4 5 6.